

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АДИЛБЕКОВА ДИЛОРОМ БАХТИЁРОВА

**ОНАДАГИ СУРУНКАЛИ ТОКСИК ГЕПАТИТ ШАРОИТИДА
ТУҒИЛГАН АВЛОДНИНГ МЕЪДА - ИЧАКЛАРИ ҚОН ТОМИР
ТЎҚИМАЛАРИНИНГ ПОСТНАТАЛ ТАРАҚҚИЁТИ**

14.00.02 - Морфология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) abstract

Адилбекова Дилором Бахтиёровна

Онадаги сурункали токсик гепатит шароитида туғилган авлоднинг
меъда ва ичаклари қон томир-тўқималарининг постнатал тараққиёти ... 3

Адилбекова Дилором Бахтиёровна

Постнатальное становление сосудисто-тканевых структур желудка и
кишечника потомства в условиях хронического токсического гепатита у
матери 27

Adilbekova Dilorom Bakhtiyorovna

Postnatal formation of vascular and tissue structures of the stomach and
intestine in the condition of chronic toxic hepatitis in mother 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АДИЛБЕКОВА ДИЛОРОМ БАХТИЁРОВА

**ОНАДАГИ СУРУНКАЛИ ТОКСИК ГЕПАТИТ ШАРОИТИДА
ТУҒИЛГАН АВЛОДНИНГ МЕЪДА - ИЧАКЛАРИ ҚОН ТОМИР
ТЎҚИМАЛАРИНИНГ ПОСТНАТАЛ ТАРАҚҚИЁТИ**

14.00.02 - Морфология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib142 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.zionet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Шавкат Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мавлян-Ходжаев Равшан Шухратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Халқаро Қозоқ - Турк университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси мажлислар зали. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru

Докторлик диссертация (DSc) билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Ф.Х.Азизова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Соғлом бола туғилиши, кейинчалик унинг соғлом ривожланиши кўп жиҳатдан она саломатлигига боғлиқ. Афсуски, охириги ўн йилликларда туғиш ёшидаги аёлларда турли экстрагенитал касалликлар бутун дунё миқёсида сезиларли даражада ўсиш мойиллигига эга. Булар орасида бошдан кечирилган ўткир вирусли ёки токсик гепатитлар оқибати сифатида гепатобилиар тизими сурункали касалликлари алоҳида ўрин тутди. Ҳомиладор аёллар ўткир гепатитлари номақбул экологик шароитлар таъсирида кўп ҳолларда сурункали шаклга ўтади. Бу эса, шубҳасиз, ривожланаётган ҳомилага ва кейинчалик унинг илк болалик даврларида салбий таъсир кўрсатиши қатор олимларнинг ишларида қайт этилган¹. Сўнгги йилларда акушер-гинекологлар, инфекционистлар, педиатрлар ҳомиладорлик даврида гепатит касаллигини бошидан кечирган аёлларга кўп эътибор қаратишмоқда, сабаби, ушбу касалликнинг она ва ундан туғилган авлод учун оғир асорат-оқибатлари мутахассисларга яхши маълум.

Жаҳонда она жигари касалликларининг авлод аъзо ва тўқималарига салбий таъсири механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда². Шуларга қарамасдан, жигар патологияси билан хасталанган оналардан туғилган авлод ички аъзоларидаги структур-функционал ўзгаришлар қонуниятларларининг кўпгина аспектлари, ривожланиш аномалиялари, ўлик туғилиш ва туғма патологиялар сабаблари ҳанузгача етарлича аниқ эмас. Чоп этилган маълумотлар тарқоқ ҳолда ва авлод ўсиш ва ривожланишига она жигари патологияси таъсири ҳақида тўлиқ маълумотлар бермайди. Постнатал онтогенезнинг турли даврларида меъда ва ичак тизимининг қон томир-тўқима структураси динамикада морфологик ривожланиши, сурункали токсик гепатитли оналардан туғилган авлодда меъда ва ичакнинг қон томир-тўқимаси реакцияси структур негизлари, соғлом оналар сутининг ва жигар патологияси билан хасталанган оналар сутининг авлод меъда-ичак тизими аъзоларининг постнатал ривожланишига таъсири ҳақида аниқ тассавурлар йўқ. Ондаги сурункали токсик гепатитни ҳомиладорликкача бўлган даврда фармакологик коррекция қилишнинг бола меъда-ичак тизими аъзолари постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсири аҳамияти ҳам маълум эмас. Шулардан келиб чикиб, ушбу муаммоларнинг долзарблиги ва ўрганиш зарурияти тамомила равшандир, сабаби авлод меъда-ичак тизими ривожланиши морфологик асослари механизмлари ва қонуниятларининг очилиши энг муҳим масалаларни – «она-бола тизими» морфологик ва физиологик хусусиятларини, «она-бола-авлод»нинг физиологик ва патологик ҳолатларида тўқималараро ва аъзолараро ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини беради. Ушбу илмий

¹ Влияние хронического гепатита на детородную функцию матери и иммунную систему потомства в эксперименте / К. Р. Тухтаев, Б. Б. Хасанов, Ф. Х. Азизова и др. // Проблемы саногенного и патогенного эффектов экологического воздействия на внутреннюю среду организма. - Бишкек, 1999. - С. 281-284.

² Bruykhin G.V., Nevzorova N.V. Contribution of maternal chronic experimental hepatic disease to the development of nonspecific resistance progeny // Bull. Exp. Biol. Med.-2013. - Vol. 155, №5.-P. 104-107.

тадқиқот «она-бола-авлод» каби ноёб тизимни тушуниш, авлоднинг меъда-ичаги тизими қон томир-тўқима структуралари постнатал ривожланиши, шаклланиши ва функционал морфологиясини нормада ва она жигари шикастланганда ўрганишга қаратилган.

Республикамызда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди, атроф-муҳитни зарарли омиллари таъсирида келиб чиқадиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Турли зарарли экологик омиллар, улар оқибатида келиб чиқадиган аёллардаги экстрагенитал касалликлар, ушбу шароитда юзага келган «ҳомиладорлик ва авлод туғилгандан кейинги ҳавф омилларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва даволаш натижасида охириги ўн йилликда оналар ўлимини 3,2 мартага, чақалоқлар ўлимини эса 3,1 баробар камайтиришга эришилди»³. Шунга қарамай, ҳозиргача турли экстрагенитал касалликларнинг она организми орқали ҳомила ва чақалоққа кўрсатадиган салбий таъсири етарлича ўрганилмаганлиги туфайли, салбий таъсир натижасида авлодда келиб чиқадиган турли касалликлар ва ривожланишлардан орқада қолиш каби оқибатларнинг олдини олиш ва камайтириш борасида анчагина муаммолар мавжуд. Шу боисдан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши стратегиясига мувофиқ «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш»⁴, онадаги турли сурункали патологияларнинг она организми орқали авлод ички аъзолар тизимида кўрсатадиган таъсир механизмларини очиб бериш, ҳамда шу орқали салбий асоратларни олдини олиш, эрта ташхислаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» да, 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

³ Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоботлари.

⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵. Ондаги сурункали экстрагенитал касалликларнинг авлодга салбий таъсирлари жуда хилма-хил бўлиб, ушбу глобал муаммони ҳал қилиш устида жаҳоннинг қатор етакчи университетлари ва олий таълим муассаларида, шу жумладан: Colorado State University, University of Rochester Medical Center, University of California, Harvard University, Sinai Medical Center, Department of Environment and Health, Rollins School of Public Health at Emory University (США), University of Edinburgh (Англия), University of Pavia (Италия), University of Murcia (Испания), Pukong National University (Корея), Punjab Agricultural University (Индия), Россия фанлар академияси Сибир бўлими (Россия), Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Она жигари сурункали патологияси таъсири оқибатида келиб чиқувчи салбий асоратларни камайтириш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида кейинги йилларда жаҳонда қатор илмий натижалар олинган, жумладан жигар сурункали касалликларида, циррозларида, гепатоцеллюлар карциномаларида статинларнинг ижобий хусусиятлари исботланган (University of Alberta, АҚШ); ҳомиладор каламушларда жигар функцияларининг зўриқиши туфайли, ундаги холестатик шикастланишлар ҳомиладор жигарида бир қатор компенсатор-мослашув ўзгаришларига олиб келиши, бу эса она ва ҳомиладор ўртасида махсус тўқималараро боғлиқлик борлигини кўрсатиши исботланган (University Colorado, АҚШ); сурункали гепатит В, С, бирламчи-билиар цирроз, аутоиммун гепатитлар, ҳамда дорилардан шикастланган гепатитли беморлар қони плазмасида miRNAs лар аниқланган (University of Toyama, Япония); беморлар бир қатор аъзоларидаги метаболик ўзгаришларни аниқлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Байкал миллий институти (Российская Федерация); сурункали гепатитли беморларни ретровирусга қарши даволаш жигарда декомпенсация жараёнларининг секинлашишига олиб келиши аниқланган (University of Pennsylvania, США); ҳомиладор она ва бола организмига пестицидларнинг салбий таъсири механизми аниқланган (Jagiellonian University, Польша); пестицидларнинг авлодга нейротоксик таъсири исботланган (Pukong National University (Корея); Punjab Agricultural University (Индия); сурункали токсик гепатитли онадан туғилган авлод меъда-ичак тизимидаги ўзгаришлар аниқланган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Бутун дунёдаги кенг камровли изланишлар олиб борилаётганлигига қарамадан, она жигари сурункали патологиясининг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврда кўрсатадиган таъсирини аниқлашнинг кўпгина масалалари ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ, жумладан: она жигари сурункали патологиясининг постнатал даврида патоморфологик таъсир механизмини олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш; ушбу оналардан туғилган авлодда меъда-ичак тизими қон томир ва тўқималаридаги патоморфологик ўзгаришлар хусусиятларини асослаш; патоморфологик ўзгаришлар

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.ncbi.nlm.gov/pubmed; <http://www.rsl.ru>; <http://www.biomedcentral.com>. ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

патогенези механизмини асослаш; она ва бола ҳаёти сифатини оширишда илмий асосланган ташхислаш, профилактика ва патогенетик даволаш чоратадбирларига услубий ёндошувни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узоқ хориж (Coverdale S., Aetall 2003г; Lu. X. 2005; Lemos P.V., Martins J.L., Lemos F.L., Silva S.R. 2016, Zhao S., Xie P., Chen J. 2016) ва яқин хориж (Никитюк Д.Б., 1993; Климова Е.А., Климова Г.Н. ва бошқалар 2003; Гурская Т.Ю. 2006; Шестакович Е.Н., 2007; Смекалина О.Ю., Брюхин Г.В., 2011; Серышева О.Ю., Брюхин Г.В., 2013) олимлари илмий адабиётлари шарҳи кўрсатишича, жигар патологиялари мавжуд оналардан туғилган авлодларнинг ўлик туғилиши, ривожланиш аномалиялари ва туғма патологиялари этиологияси, ҳамда ички аъзолар шикастланишининг патоморфологик моҳияти ҳозиргача аниқ ўрганилмаган. Ўзбекистонда бу муаммони бир қатор олимлар (Юлдашев А. Ю., 1988; Махмудов О.С. 1994; Тухтаев К.Р., Азизова Ф.Х. 1999; Ахметзянова З.К, Рахимов К.Р., 2001; Гафарова Ё.А.2001; Ахмедова М.С. ва бошқалар., 2006) изланишлар олиб боришган. Афсуски, чоп этилган маълумотлар тарқоқ ҳолда ва авлод ўсиш ва ривожланишига она жигари патологияси таъсири ҳақида тўлиқ маълумотлар бермайди, Постнатал онтогенезнинг турли даврларида меъда ва ичак тизимининг қон томир-тўқима структураси динамикада морфологик ривожланиши, сурункали токсик гепатитли оналардан туғилган авлодда меъда ва ичакнинг қон томир-тўқимаси реакцияси структур негизлари, соғлом оналар сутининг ва жигар патологияси бўлган оналар сутининг авлод меъда-ичак тизими аъзоларининг постнатал ривожланишига таъсири ҳақида аниқ тассавурлар йўқ. Ондаги сурункали токсик гепатитни ҳомиладорликкача бўлган даврда фармакологик коррекция қилишнинг бола меъда-ичак тизими аъзолари постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсири аҳамияти ҳам маълум эмас. Тиббиётнинг бу долзарб муаммоларини ўрганиш шак-шубҳасиз, катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар ишлари режасига мувофиқ «Аъзолар ва аъзолар тизими постнатал тараққиётига тажрибавий гипотиреоз, қандли диабет ва бошқа зарарли омиллар таъсири структур асослари ва механизмини ўрганиш» 2014-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ондаги сурункали токсик гепатит шароитида туғилган авлодлар эрта постнатал онтогенез даврида меъда-ичак тизими аъзолари қон томир-тўқима структураларининг морфофункционал хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

интакт каламушларда меъда, ингичка ва йуғон ичаклар тизимининг ривожланиши ва шаклланишининг морфологик, морфометрик ва ультраструктур хусусиятларини ўрганиш, энг аҳамиятли морфологик параметрларни аниқлаш. Ушбу тизимнинг меъда-ичак тизими аъзолари морфофункционал статусини тавсифлаш учун аҳамиятини ўрганиш;

сурункали токсик гепатитли она каламушлардан туғилган каламуш болаларида меъда, ингичка ва йўғон ичак тизимининг қон томир-тўқима структуралари ривожланиши ва шаклланишининг морфологик, морфометрик параметрлари динамикасини аниқлаш;

сурункали токсик гепатитли она каламушлардан туғилган каламуш болаларини соғлом каламушлар кўкрак сути билан озиқлантирилганда меъда, ингичка ва йўғон ичакнинг қон томир-тўқима структуралари постнатал ривожланиши морфологик ва морфометрик хусусиятларини аниқлаш;

соғлом онадан туғилган авлодларни сурункали токсик гепатитли каламушлар сути билан озиқлантирилганда меъда, ингичка ва йўғон ичакларнинг қон томир-тўқима структураларини постнатал ривожланиши ва шаклланиши морфологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш;

онадаги сурункали токсик гепатит ҳомиладорлик давригача фармакологик коррекция қилинган шароитда туғилган авлодларнинг меъда, ингичка ва йўғон ичаклари қон томир-тўқима структуралари постнатал ривожланиши ва шаклланиши морфологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 3, 7, 14, 21, 30 ва 120 кунлик ёшдаги 420 та каламушлар болалари олинди. Каламуш болаларида 5 та тажриба сериялари ўтказилди. Тажриба учун олинган она урғочи каламушлар гуруҳига ҳомиладорликдан олдин сурункали токсик гепатит моделини яратиш учун ҳафтасига 1 марта 6 ҳафта мобайнида териси остига гелиотрин 0,5 мг/100г ҳисобида юборилиб турилди. Охирги инъекциядан 10 кун ўтиб, бу урғочи каламушлар эркак каламушларга авлод олиш учун ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети: бўлиб тажриба каламуш болаларининг меъда (туби ва пилорик қисми), ингичка ичак (ўн икки бармоқли ичак, оч ичак, ёнбош ичак) ва йўғон ичак (проксимал, ўрта ва дистал қисмлари) хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда умумморфологик, морфометрик, сканерловчи микроскопия, электрон-трансмиссион микроскопия, шунингдек тўқималар томирларини бўйаш усул ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба сурункали токсик гепатитга чалинган она каламушлардан туғилган авлодларда меъда, ингичка ичак, йўғон ичак ва уларнинг аъзо ичи қон томирлари постнатал шаклланиши хусусиятлари комплекс тарзда морфологик таҳлил қилинган;

она каламушдаги сурункали жигар патологияси, улардан туғилган ва озиқлантирилган каламуш болалари меъда-ичак тизими аъзолари қон томир-тўқима структураларининг постнатал ўсиши ва шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

меъдада меъда чуқурчаларининг чуқурлиги, меъда безлари узунлиги ва шиллиқ парданинг хусусий пластинкаси қалинлиги камайиши, қопловчи эпителий ҳужайралари ва меъданинг хусусий безлари ва ҳужайралари ўртача сонининг камайиши, шунингдек асосий ва париетал ҳужайраларнинг дифференциалланиши ва функционал зўриқишини бузилишининг субмикроскопик

белгилари билан бирга кечганлиги, ингичка ичакда салбий таъсир оқибатлари крипталарнинг камбиал хужайралари митотик фаоллигининг камайиши ва энтероцитлар дифференциалланиши жараёнларининг секинлашиши натижасида «крипта-ворсинка» тизими компонентлари ўсиш суръатининг орқада қолиши кўринишларида намоён бўлиши исботланган; йўғон ичак структур компонентларида ҳам аналогик ўзгаришлар аниқланган; булар крипталарнинг якуний шаклланиши суръатларининг пасайиши, энтероцитлар дифференцировкасининг бузилиши, қадахсимон хужайралар сонининг ошишида аниқланган.

меъда-ичак тизими аъзоларидаги ушбу структур-функционал ўзгаришлар негизида аъзо ичи қон томирлари ўсиш ва шаклланиш жараёнларининг бузилишлари, қон томирлар тақсимланиш зичлигининг камайиши, томирлар бўшлиғи ички диаметрининг ўзгарувчанлиги ва гемоциркулятор ўзанда анастомозлар сонининг камайиши каби жараёнлар ётганлиги аниқланган;

соғлом каламушлар ва сурункали токсик гепатитли каламушлар сути авлод меъда-ичак тизими аъзоларининг қон-томир ўзани ва тўқималари постнатал ривожланиши ва шаклланишига ўзига хос таъсир қилиши исботланган;

соғлом каламушлардан туғилган авлодларни сурункали токсик гепатитли каламушлар кўкрак сути билан озиқлантирилганда авлод меъда ва ичаги тизими контомир-тўқима структуралари постнатал ривожланиши суръатига бирмунча тормозловчи таъсир кўрсатиши, меъда шиллик қаватидаги меъда чуқурчалари шаклланиши жараёнларининг секинлашиши, ингичка ичакда «крипта-ворсинка» тизими ва йўғон ичакдаги крипталар ва улар хужайралари микдорий параметрларининг камайиши жараёнларида намоён бўлиши исботланган.

сурункали токсик гепатитли каламушлардан туғилган авлодни соғлом каламушлар сути билан озиқлантириш меъда-ичак тракти аъзоларининг қон томир-тўқима структуралари постнатал ривожланиши, шаклланиши суръатларига ижобий таъсир қилиши, бу жараёнларнинг сезиларли даражадаги тезлашишига олиб келиши аниқланган;

каламушларнинг сурункали токсик гепатитини ҳомиладор бўлишигача бўлган даврларда гепатопротекторлар ва витаминлар комплекси билан фармакологик коррекция қилиш, она каламуш гепатитининг авлодга салбий таъсири самарасини сезиларли даражада пасайишига ва авлодларда меъда-ичак тизими аъзоларининг қон томир-тўқималари постнатал ривожланиши ва шаклланиши жараёнларининг яхшиланишига олиб келиши исботланган. Меъда-ичак тизими структур-функционал бирлигининг шаклланиши суръати, хужайралар пролиферацияси фаоллиги, гемоциркулятор ўзан морфологик ва морфометрик параметрлари онасининг сурункали токсик гепатити медикаментоз коррекция қилинмаган авлодлар аналогик кўрсаткичларига нисбатан бирмунча юқорирак бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

онадаги сурункали токсик гепатитнинг авлодга салбий таъсири оқибатларини эрта ташхислаш, олдини олиш ва прогнозлаш, даволашнинг

илмий асосланган самарали ва оптимал усуллари ишлаб чиқишга асос бўлган;

онадаги сурункали токсик гепатит шароитида туғилган авлодда меъда-ичак тизими қон томир-тўқима структуралари постнатал ўсиши ва шаклланиши бузилиши структур-функционал механизмларининг аниқланиши юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва аниқ, самарали ва оптимал, илмий асосланган патогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқиш учун асос бўлган;

она ва авлод организмидаги патоморфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларни фармакологик коррекциялаш усули илмий асослаб берилган;

бола организмида клиник симптомлари яққол кўринмаган ҳолатларда ички аъзолардаги патоморфологик ўзгаришларни морфометрик ўрганишлар самарасини аниқлаш бўйича мониторинг тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги асосланган;

она-бола-авлод организмига ташқи ва ички муҳитнинг зарарли омиллари таъсирининг салбий асоратларини башоратлаш борасидаги янги далиллар фундаментал-амалий аҳамиятга эгаллиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонларининг сонининг етарлигиги, умумморфологик, морфометрик услублар, сканерловчи микроскопия, электрон-трансмиссион микроскопия, шунингдек тўқималар томирларини бўйаш усул ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, онадаги сурункали токсик гепатит шароитида туғилган авлодда меъда-ичак тизими қон томир-тўқималарининг постнатал шаклланишига статистик ишлов берилганлиги, ҳулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти жигарида сурункали патологияси мавжуд бўлган она каламушлардан туғилган ва озиклантирилган авлод меъда-ичак тизими аъзоларининг постнатал ўсиши ва шаклланиши жараёнлари ҳақидаги билимларга янгича ёндашув бўлиб, уларни чуқурлаштиради ва тўлдиради. Илк постнатал даврда авлоднинг меъда-ичак тизими қон томир-тўқима структуралари шаклланишига таъсир этишининг структур-функционал механизмларини очиб бериш билан изоҳланган. Онадаги сурункали жигар касаллиги ундан туғилган авлод учун хавфли омил бўлиб ҳисобланган эрта болалик даврида меъда-ичак касалликларини башоратлаш, олдини олиш ва патогенетик илмий асосланган самарали даволаш усуллари ишлаб чиқишда экспериментал асос бўлганлиги билан изоҳланган. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти яна шундан иборатки, жигарида сурункали патологиялари мавжуд каламушлардан туғилган ва озиклантирилган авлод, шунингдек жигар патологияси бўлган она-каламушдан туғилган, лекин соғлом она-каламуш кўкрак сути билан озиклантирилган, соғлом онадан туғилган, аммо жигари касалланган она-каламуш кўкрак сути озиклантирилган авлод, она жигари сурункали патологияси хомила-

дорликдан олдин дорилар воситасида коррекция қилинган авлод меъда-ичак тизими қон томир-тўқима структуралари постнатал онтогенезига оид янги морфологик ва морфометрик маълумотлар олинганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар тадбиқи, она ва бола меъда-ичак тизимидаги патоморфологик ва морфологик ўзгаришлар даражасини аниқлашга ёрдам беради, булар эса ўз навбатида она ва боладаги токсик гепатитни эрта ташхислаш сифатини оширишга олиб келади ва авлоддаги касалликни олдини олиш усуллари, она ва боладаги токсик гепатит ва унинг салбий оқибатларига қаратилган самарали, илмий асосланган даволаш тактикаларини ишлаб чиқиш имконини бериши билан, ҳамда она-бола организмига токсик метаболитлар таъсири билан боғлиқ меъда-ичак тизими касалликларини ўрганишда илмий лабораториялар учун экспериментал модел сифатида қўллашга мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: онадаги сурункали токсик гепатит шароитида туғилган авлодда меъда-ичак тизими қон томир-тўқималарининг постнатал шаклланиши бўйича олинган натижалар асосида:

«Онадаги сурункали токсик гепатит шароитида авлоднинг меъда-ичак тракти қон томир-тўқима структураларининг постнатал шаклланиши» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 23 мартдаги 8Н-д/11-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома онадаги сурункали жигар патологияси таъсирини аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Постнатальное формирование желудочно-кишечного тракта потомства в условиях хронического токсического гепатита у матери» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 23 мартдаги 8Н-д/11-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали токсик гепатит шароитида туғилган авлод меъда-ичак тизимидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш ва ташхислаш бу таъсирлар оқибатида юзага келадиган салбий оқибатларнинг олдини олиш ва даволаш механизмларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Онадаги сурункали токсик гепатит шароитида туғилган авлодда меъда-ичак тизими қон томир-тўқималарининг постнатал шаклланиши жараёнларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси институтлараро марказий илмий тадқиқот лабораторияси, Тошкент санитария, гигиена ва касб касалликлари ва Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази экспериментал лабораторияларига ва амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 8Н-д/88-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши авлод ҳаётининг илк даврларида она жигари патологиясининг салбий таъсирини эрта ташхислаш ва башоратлаш усуллари ишлаб чиқишга имкон яратган. Бу ўз навбатида, она касаллигининг салбий таъсирларини олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш, ногиронликка олиб келишини 20–35%

қисқаришига ва даволанишга кетадиган сарф-харажатларни камайтиради, ҳамда ҳомиладорлик ёки илк болалик даврларида она жигари патологияси салбий таъсири шароитида бўлган болаларда туғилгандан кейинги узоқ даврларда юзага келадиган касалликларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 13та, жумладан 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меъёрада ва жигар патологиясида меъда-ичак тизими аъзоларининг тўқима ва гемоциркулятор ўзан томирларининг постнатал ривожланиши ва шаклланишининг структур-функционал асослари**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган ва сут эмизувчилар овқат ҳазм қилиш тизими морфологик тузилиши, меъда-ичак трактининг нормада ва онанинг жигари турли патологияларида онтогенези, ҳамда постнатал ривожланиши ва шаклланишининг хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Меъда-ичак тракти гемоциркулятор ўзани томирлари ривожланишининг ёшга оид хусусиятлари, жигарнинг турли патологияларида меъда-ичак тракти аъзолари кон -томир-тўқима структуралари морфологик ҳолатлари, постнатал даврда озикланишнинг меъда-ичак тракти морфофункционал статусига таъсири, онандаги токсик гепатитни фармакологик даволаш шароитида меъда-ичак тизимиморфофункционал статуси таҳлил қилинган. Ушбу муаммоларининг ечими топилмаган, аниқлаштирилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган ва уларни ечиш учун тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Сурункали токсик гепатит шароитида туғилган авлод меъда-ичак тизимини ўрганиш методологияси ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари батафсил

баён қилинган. Иш 3, 7, 14, 21, 30 ва 120 кунлик ёшларга ажратилган 420 та каламушларда бажарилган. Экспериментлар «Экспериментлар ва бошқа илмий мақсадлар учун ишлатиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш Европа конвенцияси»га (Страсбург, 1985) мос ҳолда олиб борилган. Ҳайвонлар 5 та гуруҳга ажратилган. Сурункали гелиотринли гепатит (СГГ) схема бўйича 6 ҳафта мобайнида гелиотринни 0,5 мг/100 г тана вазни дозасида тери остига ҳафтада бир марта юбориш орқали моделлаштирилди. Сунгра ҳамма ўрғочи каламушларга эркак каламушлар қўйилди. Гелиотрин ўрнига шу микдордаги изотоник эритма юборилган ўрғочилардан туғилган каламуш болалари назорат гуруҳи сифатида хизмат қилди. 5-серияда давомийлиги 60 кунлик бўлган сурункали токсик гепатит ҳомиладорлик юзага келгунча гепатопротекторлар: карсил (меъда ичига 3, 5 мг/100 г тана вазнига) ва эссенциал форте (5 мг/100г тана вазнига) инъекция қўринишида) ва витаминлар комплекси ишлатилган ҳолда даволанди. Назорат гуруҳига она каламушларга наҳорга оч қоринга, муддатга боғлиқ ҳолда 1 мл микдорда дистилланган сув берилди. Экспериментал ҳайвонларни наркоз остида декапитация қилиш туғилганидан кейинги мос муддатларда бажарилди. Тадқиқот объектлари сифатида меъда (танаси ва пилорик қисми), ингичка ичак (ўн икки бармоқ, оч ва ёнбош ичак) ва йўғон ичак (проксимал, ўрта ва дистал қисмлари) олинди. Ишда комплекс морфологик текширув услублари қўлланилди, шу жумладан, анатомик, умумгистологик, морфометрия, электрон сканирловчи микроскопия, трансмиссион электрон микроскопия усуллари қўлланилди.

Аъзоларнинг турли қисмларидан олинган материаллари нейтрал формалиннинг 10% ли эритмасида ва Карнуа суюқлигида фиксацияланди. Зарурий қайта ишлангандан сўнг материал парафинга қуйилди ва 4-6 мкм қалинликдаги кесимлар тайёрланди, улар гематоксилин ва эозин ҳам Ван-Гизон бўйича бўялди. Гистологик кесимлар морфометрик текширилди, МБ1-15 окуляр-микрометри ёрдамида меъда, ингичка ва йўғон ичакларнинг шиллиқ ва сероз-мушак қаватлари қалинлиги, безли найнинг узунлиги ва чуқурлиги, ворсинкалар баландлиги ва крипталар чуқурлиги текширилди. Крипталар ва меъда безлари ворсинкалари, меъда ва ичак чуқурликлари эпителиал ҳужайралар сони, меъда, ингичка ва йўғон ичак шиллиқ қавати ҳужайралари митотик фаоллиги ўзгаришлари (1000 та эпителиал ҳужайраларда бўлинаётган ҳужайралар сони), кадахсимон ҳужайралар сони аниқланди. Макро-ва микропрепаратлар МБИ-6 ва МБС-9 микроскопларида ўрганилди. Меъда, ингичка ва йўғон ичак турли бўлимлари ва қаватлари томирларининг диаметрлари ўрганилди. Блинков-Моисеев услуби бўйича томирлар тақсимланиши зичлиги аниқланди. Трансмиссион электрон микроскопия (ТЭМ) учун материал глутар алдегиднинг 2,5% ли эритмасида ва фосфат буфердаги (рН 7,3) OSO_4 1% ли эритмасида фиксацияланди. Спиртлардан ўтказилгандан сўнг аъзо парчалари эпон-аралдитга қуйилди. Ярим ингичка кесимлар метил кўки ва фуксин билан бўялди. Ультра ингичка кесимлар (Ультратом LKB-4800, Швеция) уранилацетат ва кўрғошин цитрати билан контрастлангандан кейин JЭМ-7 ва JЭМ-100SX (Япония) электрон микроскопларида курилди. Тўқима структуралари, аъзо ичи томирлари ва

микроциркулятор ўзани сканирловчи микроскоп ёрдамида текширилди. Томир ўзани полимерланган метакрилат) билан тўлдирилди, кейин коррозия нусхалар (кўчирмалар) (IB-3 пуфлагичида пуфлангандан сўнг) S-405 электрон микроскопида кўриб чиқилди ва расмга туширилди.

Меъда, ингичка ва йўғон ичакнинг аъзо ичи томирларини ўрганиш учун қора туш-желатин эритмаси ва Герот массаси Х.Х. Камилов (1970) модификацияси услуби бўйича инъекция қорин аортаси орқали эрталаб қора туш-желатин эритмаси ёки хлороформдаги париш кўки аралашмаси билан амалга оширилди. 1 ойгача бўлган каламушчаларга инъекция оригинал методика бўйича юракнинг чап қоринчаси орқали юборилди. Бундан кейин қон томирларга буёқ юборилган органокомплекс 10% ли нейтрал формалин эритмасида 5-6 кун фиксация қилинди, кейин 1,5-2,0 мм қалинликдаги кўндаланг кесимлар тайёрланди. Қон томирлар А. Г. Малигин услубида равшанлантирилди. Меъда, ингичка ва йўғон ичакларнинг барча бўлимларидан олинган кесим парчалари парафиннинг ксиллдаги тўйинтирилган эритмаларидан икки мартадан ўтказилгандан кейин ва воскли парафинга қуйилгандан сўнг колодкаларга жойлаштирилди. Улардан Герот массаси қуйилганидан кейин 30-40 мкм қалинликдаги, туш қуйилганидан кейин 20-30 мкм қалинликдаги серияли кесимлар тайёрланди. Сўнгра кесимлар полистиролга ёки малҳамга (пихтали ёки кедрали) солинди ва меъда, ингичка ва йўғон ичакларнинг шиллиқ ва сероз-мушак қаватлари қон томирлари тақсимланиши зичлиги аниқланди (шартли бирликда ифодаланди). Аъзо ичи қон томирлари диаметри ўлчамлари МБР-1-15 окуляр-микрометрида МБС-9, МБС-6 микроскоплари остида ўлчанди. Тадқиқотлар натижасида олинган морфологик маълумотлар Pentium IV компьютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурли статистик ишловлар функцияси ўрнатилган пакети воситасида олиб борилди. $P \leq 0,05$ бўлганда фарқлар ишонарли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Постнатал онтогенез динамикасида соғлом каламушлар авлодлари меъда-ичак тизими аъзоларининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида меъда, ингичка ва йўғон ичакларнинг қон томир-тўқима структуралари морфологик ва морфометрик маълумотлари ёритилган.

Каламуш болалари меъда-ичак тизими постнатал ўсиш ва шаклланиш жараёнларида қўйидаги даврлар фарқ қилиниши аниқланди: структур тузилмалар жадал ўсиши ва шаклланиши даври, туғилгандан бошлаб-2-ҳафталаригача; нисбатан ва якуний шаклланиш ва морфологик кўрсаткичлар стабилизацияси даври-постнатал ҳаётнинг 4-ойигача.

Диссертациянинг **«Сурункали токсик гепатитли она каламушлардан туғилган ва озиқлантирилган авлоднинг меъда-ичак тизими аъзоларини ўрганиш»** деб номланган тўртинчи бобида меъда, ингичка ичак ва йўғон ичак деворлари қон томир-тўқима структуралари морфологик ва морфометрик маълумот-лари ёритилган.

Она каламушдаги сурункали токсик гепатит ундан туғилган авлодга нафақат илк ривожланиш даврида, балки кейинги постнатал онтогенез давларида ҳам салбий таъсир қилди. Бунга каламуш болалари кўзларининг

кеч очилиши, болаларнинг оёққа туриши ҳолатларининг кеч шаклланиши, қулоқларининг ажралиши ва ташқи эшитув йулининг очилиши, терисида юнглارнинг кечроқ пайдо бўлиши каби ҳайвонларнинг умумий ривожланиши кўрсаткичларининг 2-3 кунга кечга қолиши каби жараёнлар ҳам гувоҳлик берди.



Сурункали токсик гепатитли урғочи каламушлардан туғилган ва озиклантирилган каламушчалар ҳаётининг 3-кунига келиб, меъда девори барча қаватлари морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларига солиштирганда пастлиги аниқланди. Меъда девори шиллиқ қавати чуқурчалари чуқурлиги ва безлари узунлиги ва улардаги эпителиал, париетал ва асосий хужайралари сонлари, улардаги пролиферация ва дифференцировкаси жараёнлари назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларига нисбатан пастлиги аниқланди. Шиллиқ қават хусусий пластинкасида шишиш ва кепчиш, моноклеар хужайралар билан инфильтрацияланиш жараёнлари аниқланди. Қон томирлар тарқалиш зичлиги кўрсаткичи назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларига нисбатан камлиги кўринди.

Ингичка ичак шиллиқ қаватида ворсинкалари калта, турли шаклларда. Баъзи ворсинкаларда ўртача даражада ифодаланган дистрофик ўзгаришлар аниқланди: уларнинг эгри бугрилиги, қопловчи эпителий хужайраларининг кучли вакуолизацияси, ядролари деформациялари кузатилди. Ворсинкалар стромасида лимфогистиоцитар инфильтрация ўчоқлари учради. Ворсинкалар ва крипталар узунлиги, митотик бўлинаётган хужайралар сони назорат гуруҳига солиштирганда кам. Электронмикроскопик ўрганишларда хужайралар органеллалари гипоплазияси кузатилди. Ядролари зичлашган хужайралар учради. Митохондрияларда шишиш ва сонининг камайиши аниқланди. Йирик вакуолали хужайралар тез-тез учради. Комплекс Гольджи ва эндоплазматик тўрларда деструктив ўзгаришлар аниқланди. Шиллиқ ости қавати лимфогистиоцитар инфильтрацияланиш туфайли шиш-ган, нотекис кепчиган. Ворсинкалар микро қон томирлари (капиллярлар ва венулалар) девори нотекис кенгайган, Қон томирлар деворидаги эндотелий хужайралари яссилашган. чегаралари ноаниқ. Аналогик ўзгаришлар шиллиқ ости ва мускул қавати қон томирларида ҳам кузатилди.

Йўғон ичак шиллиқ қаватида эса крипталар унча чуқур эмас, уларнинг стромаси шишган, моноклеар хужайралар билан инфильтрацияланган. Қадахсимон хужайралар сонининг ошиши қайд қилинди, улар эпителий қаватидан бўртиб чиққан ва қайрилган кўринишда. Баъзи крипталар стромаси лимфогистиоцитар хужайралар билан инфильтрацияланган. Митотик бўлинаётган хужайралар сони йўғон ичакнинг проксимал, ўрта ва дистал бўлимларида назорат гуруҳига нисбатан 1,5; 1,2 ва 1,1 марта кам.

Постнатал ривожланишнинг 14-кунига келиб юқорида баён этилган патоморфологик ўзгаришлар ингичка ва йўғон ичакларнинг барча қаватларида сезиларли даражада сақланиб қолди.

Меъда чуқурчалари ва безларидаги хужайралар сони ва митотик бўлинаётган хужайралар миқдори камайган. Меъда шиллиқ қавати ўсиш ва шаклланиш индекси ва қон томирлари тарқалиш зичлиги кўрсаткичи назорат гуруҳи кўрсаткичидан паст (1 расм).



1-расм. Меъда шиллиқ қаватининг ўсиш ва ривожланиш индекси ҳамда қон томирлар тарқалиш зичлиги.

Ингичка ичакда барча морфометрик кўрсаткичлар бузилганлиги аниқланди: ҳамма қаватлар қалинлиги, крипталар чуқурлиги ва ворсинкалар узунлиги калта. Крипталар ва ворсинкалар юзасидаги қадахсимон ҳужайралар сони назорат гуруҳиникига нисбатан кўпайган. Баъзи крипталарнинг ўрта ва пастки қисмлари кенгайган.

Шиллиқ қават мушак пластинкасида шаклланиши жараёнлари ривожланишдан орқада қолиши кузатилди. Бруннер безлари сийрак жойлашган. Ривожланишдан орқада қолиш билан биргаликда, ичакнинг ворсинка ва крипталарида дистрофик ўзгаришлар: уларнинг эгри-бугрилиги, қопловчи ҳужайралар цитоплазмасида вакуолизация, ядролари деформацияси қайд қилинди. Ворсинкалар стромасида лимфогистиоцитар инфильтрацияланиш ўчоқлари кузатилди. Ингичка ичакнинг проксимал бўлимларида деформацияланган ва эгри-бугри ворсинкалар, уларда некроз ва десквамация жараёнлари учради. Кўпинча эпителийнинг «шилликланиши» қайд қилинди, бу қадахсимон ҳужайралар сони ошиши билан ифодаланди. Кўплаб миқдорда дифференцияланмаган ҳужайралар аниқланди.

Аналогик патоморфологик ўзгаришларни йўғон ичакда ҳам кузатилди.

Меъда-ичаклар аъзо ичи қон томирлари, айниқса венулалар бўшлиғи баъзи жойларда варикоз кенгайган. Веноз қон томирлар бўшлиғи диаметри назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларидан каттароқ бўлди. Улар деворида кам дифференциялашган ҳужайралараро калта эластик толалар ва якка-якка силлиқ мускул ҳужайралари кўринди. Қон томирлар девори бирмунча шишган, контурлари ноаниқ. Прекапиллярлар ва капиллярлар баъзи жойларда кенгайган ва қонга тўлганлиги кузатилди. 21-кунлик каламушлар дефинитив озикланишга ўтади. Шу кунлардан бошлаб, сурункали жигар патологияси ва она кўкрак сутининг салбий таъсири таъсири оқибатлари камайиши кузатилди, бунга авлод меъда-ичак тизими тўқима-қон томирларидаги патоморфологик ўзгаришларнинг секин-аста орқага қайтиши каби ижобий ўзгаришлари жараёнлари гувоҳлик берди. Шуларга қарамасдан, 15-20% каламушларда патоморфологик ўзгаришлар инволюцияси секин кечди: айрим ворсинкалар атипик, нотўғри шаклда, стромаларида моноклеар инфильтрацияланиш ва шишиш кузатилди. Баъзи кўрсаткичлар (ворсинкалар узунлиги, крипталар чуқурлиги, эпителиал ҳужайралар умумий сони) назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларига нисбатан ишончли паст бўлди. Шиллиқ ости қавати моноклеар ҳужайралар билан инфильтрацияланганлиги кўринди. Тажриба ҳайвонларининг меъда-ичаги тизими қон томир-тўқимаси барча морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли паст бўлди. Баъзи тажриба ҳайвонларида ичаклар шиллиқ қаватидаги морфологик ўзгаришлар, крипталар чуқурлиги камайиши, қадахсимон ҳужайралар сонининг ортишида кўринди. Микроциркулятор тизим қон томирлари бўшлиғи диаметри ва тарқалиш зичлиги назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларидан фарқ қилди.

Демак, онаги сурункали жигар патологияси ундан туғилган ва озиклантирилган авлоди учун изсиз кетмайди. Илк постнатал даврда авлод меъда-ичак тизимида патоморфологик ўзгаришлар ва аъзолар морфофункционал ҳолатининг бузилиши жараёнлари аниқланди. Аъзолар шиллиқ қаватида шиллиқланиш, қадахсимон ҳужайралар сонининг ортиши кайд этилди. Постнатал ривожланишнинг кейинги давларида бу жараёнлар аъзолар тўқима-қон томирлар структураларида постнатал ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиши жараёнларига олиб келди: меъда-ичак тизими девори қаватлари қалинлиги, ворсинка ва крипталар ўлчамлари, ичаклар эпителийси ҳужайраларидаги митоз фаоллигининг камайиши, эпителиал ҳужайраларда пролиферация ва дифференцировка жараёнлари мувозанатининг бузилиши, шиллиқ қават мушак пластинкаси шаклланиши жараёнларининг ривожланишдан орқада қолиши каби оқибатларга олиб келди. Бу жараёнлар барчаси гемомикроциркулятор қон томирлар ўзанида қон томирлар бўшлиғи диаметри ва тарқалиши зичлигининг камайиши, томирлар деворлари ўтказувчанлигининг ўзгаришларига, оқибатда эса овқат ҳазм қилиш найининг трофикаси бузилишига олиб келди.

Диссертациянинг «Сурункали токсик гепатитли онадан туғилган ва соғлом она сути билан озиклантирилган авлод меъда-ичак тизими аъзоларини ўрганиш» деб номланган бешинчи бобида меъда, ингичка ва

йўғон ичак қон томир-тўқималари морфологик ҳолатлари ва морфометрик кўрсаткичлари ўрганилган.

СТГли она-каламушдан туғилган ва соғлом она-каламуш кўкрак сути билан озиқлантирилган 3-кунлик каламуш болалари меъдаси шиллиқ қаватида қуйидаги жараёнлар кузатилди: шиллиқ қават ингичка, бурмали, унинг қалинлиги ўлчами назорат гуруҳи ҳайвонлари морфометрик ўлчамидан паст. Қопловчи эпителий ҳужайралари цилиндрик шаклда, цитоплазмасида вакуолалар мавжуд ва улар яқинида ядролари деформациялашган. Без найлари узунлиги ва меъда чуқурчалари морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан кам. Париетал ва асосий ҳужайралар сони кам. Меъда чуқурчалари ва без найчалари бўшлиғи кенгайган. Дифференциялашган, етук ҳужайралар билан бир қаторда, кўплаб дифференцияланмаган, етилмаган ҳужайралар кўринади. Баъзи участкаларда шиллиқ қават хусусий пластинкаси ва шиллиқ ости қавати бирмунча шишган, моноклеар ҳужайралар билан инфильтрацияланган.

Ингичка ичакда ворсинкалар шакли ўзгарган, ворсинкалар ва крипталар морфометрик параметрлари назорат гуруҳи ҳайвонлариникига нисбатан бирмунча камлиги аниқланди. Йўғон ичак крипталари туб қисмида нотекис кенгайган. Қадахсимон ҳужайралар сони ошган. Баъзи ворсинкалар шиллиқ қавати хусусий пластинкасида ва шиллиқ ости қаватида моноклеар ҳужайралар билан инфильтрацияланиш кузатилди. Меъда-ичак тизими ички қон томирлари ўрганилганда, улар тарқалиш зичлиги кўрсаткичининг назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларига нисбатан камайганлиги, ўчоқли экстравазатлар ва плазморрагиялар аниқланди.

Ҳайвонлар постнатал ҳаётининг 7-кунлигидан бошлаб, авлодни соғлом она сути билан озиқлантирилганининг ижобий натижаси кўрина бошлади: ўрганилаётган аъзолар қон томир ва тўқима структураларидаги патоморфологик ўзгаришлар сифат ва миқдорий жиҳатдан яхшиланди. Барча морфологик ва морфометрик кўрсаткичлар назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ бирмунча яқинлаша бошлади.

Ҳайвонлар постнатал ўсиш ва ривожланишининг кейинги даврларида (30-120 кунларида) меъда, ингичка ва йўғон ичаклар қон томир-тўқима структураларидаги деструктив ўзгаришлар характери ва ифодаланиш даражаси пасайди. Шиллиқ ости қавати баъзи участкаларида ўчоқли моноклеар ҳужайралар билан инфильтрацияланиш кўринди. Шуларга қарамасдан, асосий, париетал, қадахсимон ҳужайралар сони нисбати кузатувлар охиригача якуний тикланмади. Барча морфологик ва морфометрик кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашди, лекин бу кўрсаткичлар даражасигача етиб бормади.

Демак, изланишлар шуларни кўрсатдики, СТГли она каламушлардан туғилган авлодни соғлом она кўкрак сути билан озиқлантириш сезиларли даражада ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. Постнатал даврдаги ўсиш, ривожланиш ва шаклланиш жараёнлари тезлашди: меъда безлари ва чуқурчалари морфологик ва морфометрик параметрлари, ингичка ичак «крипта-ворсинка» компонентлари тизими, йўғон ичак крипталари

морфометрик параметрлари, шунингдек, эпителиал хужайралардаги пролиферация ва дифференцировка жараёнлари нисбатан ошди. Ингичка ичак шиллиқ қаватининг ўсиш ва шаклланиши индекси, қон томирлари таркалиш зичлиги кўрсаткичлари 2-гурух тажриба хайвонлари кўрсаткичларига нисбатан кўтарилди

Диссертациянинг «**Соғлом онадан туғилган ва сурункали токсик гепатитли она сути билан озиклантирилган авлод меъда-ичак тизимини ўрганиш**» деб номланган олтинчи бобида меъда, ингичка ва йўғон ичаклар қон томир-тўқималарининг соғлом онадан туғилиб, сурункали токсик гепатитли она кўкрак сути билан озиклантирилгандаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари постнатал онтогенез динамикада ўрганилган.

Олинган натижалар шуларни кўрсатдики, постнатал онтогенезнинг илк даврларида (3-7 кунларда) меъданинг шиллиқ ва сероз-мушак қаватлари ингичкалашган, бурмали; унинг қалинлиги ўлчами, меъда безлари узунлиги, меъда чуқурчалари ўлчами ва улардаги эпителиал хужайралар сони назорат гуруҳи хайвонлари кўрсаткичларига нисбатан пасайган. Шиллиқ қават стромаси ва хусусий пластинкаси шишган, моноклеар хужайралар билан инфильтрацияланган. Гемомикроциркулятор қон томирларда нотекис кенгайиш, капилляр қон томирларда эгри-бугрилиқ аниқланди.

Электронмикроскопик текширувларда, хужайралар цитоплазмаси оч рангда, ядролари периферияга силжиган. Хужайралар апикал қисмида микроворсинкалар қалта, сони камайган. Донатор эндоплазматик тўр кенгайган. Кўшимча ва асосий хужайралар охиригача яхши дифференцияланмаган. Митотик бўлинаётган хужайралар сони меъданинг ўрганилаётган қисмларида назорат гуруҳи хайвонлариникидан кам. Париетал хужайралар меъда безлари юқори ва ўрта қисмларида жойлашган бўлиб, тўлиқ шаклланмаган. Аналогик ўзгаришлар ингичка ва йўғон ичак тўқима ва қон томирларида ҳам кузатилди: Ингичка ичак ворсинкалари узун, нозик, баъзи жойларда эгри-бугри, баъзи хужайралари дистрофик ўзгаришларга учраган. Шиллиқ қаватлар ўсиш ва шаклланиш индекслари кўрсаткичлари назорат гуруҳи хайвонлари кўрсаткичлариникига нисбатан паст. Шиллиқ ости қаватида ҳам бирмунча шишиш ва кепчиш жараёнлари кузатилди. Мушак қаватида баъзи жойларда шишган ва вакуолизацияга учраган мушак хужайралари кўринади. Йўғон ичак шиллиқ қаватида ворсинкасимон бурмалар бўлиб, унинг юзасида шиллиқ тўпланган. Каламуш болаларининг дефинитив озикланишга (21-кунлик постнатал даврида) ўтишганидан бошлаб, меъда-ичак тизимидаги патоморфологик ўзгаришларнинг секин-аста пасайиши кузатила бошлади ва шу ёшдаги назорат гуруҳи хайвонлари морфометрик параметрларига яқинлашди, лекин бу кўрсаткичларга изланишларнинг охирги даврларигача тўлиқ етиб бормади.

Шу даврларда ҳам шиллиқ қават ворсинка ва криптлари стромасида моноклеар хужайралар билан инфильтрацияланиш жараёнлари кузатилди. Шиллиқ ости қаватида ва сероз-мушак қаватларида сезиларли даражадаги деструктив ўзгаришлар аниқланмади.

Аъзолар ички қон томирларида эса ҳар хил ўзгаришлар кузатилди: илк постнатал даврларда баъзи жойларда веноз қон томирлари кенгайган, қонга

тўлган, баъзи жойларда микроэкстравазатлар ва плазморрагиялар ўчоқлари аниқланди. Ўрганилаётган барча аъзолар ички қон томирлари морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқ қилди.

Тажриба ҳайвонларининг 30-120 кунлик постнатал ҳаётида ўрганилаётган аъзоларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларидаги тикланиш жараёнлари аниқ ифодаланганлиги қайд этилди.

Демак изланишлар шуларни кўрсатдики, СТГга чалинган она каламушлар сутидаги сифат ва миқдорий ўзгаришлари, ҳамда ундаги эндотоксинларнинг мавжудлиги соғлом каламуш авлоди ички аъзолари қон томир-тўқима структуралари постнатал ўсиш ва шаклланиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатди. Илк постнатал даврда авлод организмида компенсатор-ҳимоя реакциялари ишга тушди. Аммо постнатал онтогенезнинг кечроқ давларида патоморфологик ўзгаришларнинг пасайиши кузатилса ҳам, барча морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларига нисбатан пастроқ бўлди ва бу кўрсаткичлар ўлчамларигача тўлиқ етиб бормади. Бу етишмовчиликлар авлод организмидаги адаптация жараёнларининг пастлигидан далолат берди.

